

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДОИМО ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

«Янги Ўзбекистон» боғида давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган байрам шодиёнаси бўлиб ўтди



Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу улуғ айём билан табриклади.

– Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида «Ўзбекистон Республикаси» деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди. Биринчи Президенти

имиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик. Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини

бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Иншооллох, шундай бўлмай. Чунки эркесевар халқимиз учун бу байрам жуда қадрли. Мустақилликка не-не жафолардан сўнг, сабр-матонат би-

лан эришилди. Меҳнат, машаққатлар билан йилдан-йилга мустақамланди. Бугун Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз бўлди. «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил асосий талабга айланди.

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқироз-

нинг салбий таъсирларига қарамаздан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт куриш йўлидан дадил олға бормоқда. Саноат тармоқлари ва ҳудудлар ривожини ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

>> 2

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муаззам «Янги Ўзбекистон» боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни улуғ айём – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида «Ўзбекистон Республикаси» деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва

инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.

Қадрли юртдошлар!

Охириги олти йил давомида биз Ватанимиз тараққийетининг янги босқичида кенг қамровли ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмақдамиз.

Ўтган даврда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамаздан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт куриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифининг шартини ва мезонларини кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик ислохотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб берадиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.** Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз.

>> 2

ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

Мустақил ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар қатағон қурбонларини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Ватанимиз фидойиларини айнан Мустақиллик байрами кунларида ёд этишда катта маъно бор. Бу халққа хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини, эл-юртимиз озодлиги ва тинчлиги қадрини яна бир

бор англатади.

2001 йилдан буён 31 август «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» сифатида нишонлаб келинмоқда. Жаҳид боболаримизнинг руҳларини шод этиш, ҳаёти ва меросини ўрганишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йили «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи реконструкция қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда унинг филиаллари очилди.

Бу йил музейда жаҳид талабалар Германияга ўқишга юборилганининг 100 йиллигига бағишлан-

ган экспозиция ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари музейга кириб, мажмур кўргазма билан танишди.

– Бу ерга ҳар гал келиб, эътибор беришимиз бежиз эмас. Мустақилликка эришиш осон бўлмаган. Истиқлолимизга 31 йил бўлгани билан боболаримиз 100 йиллар олдин бунга ҳаракат қилган. 100 минг ватандошимиз қатағонга учраб, 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Нима учун? Чунки улар энг катта қаҳрамонларимиз, миллатнинг хазинаси бўлган. 2-3 тадан тил билинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда унинг филиаллари очилди.

Бу йил музейда жаҳид талабалар Германияга ўқишга юборилганининг 100 йиллигига бағишлан-

>> 2



Кун нафаси



Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, нуфузли сиёсатчилар, таниқли жамоат ва дин арбоблари, етакчи халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар раҳбарларидан қутлов ва телеграммалар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 31 август куни Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.



Давлатимиз раҳбарининг «Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ва Озарбайжон Энергетика вазирлиги ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси» имзоланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

<< 1

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта «Олимпия чемпиони» деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Ушбу улуг айёмда мана шундай ақли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор қутлаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислоҳ бирдамлик ўйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса, халқаро армия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртдошлар!
Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишни давом эттираемиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Хурматли дўстлар!
Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмоқдамиз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан.

Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очик ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этамиз.

Биринчидан, таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттираемиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш

масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз. Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантираемиз.

Иккинчидан, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масала адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта давом эттираемиз.

Учинчидан, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтирилади.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкени энгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислохотларни изчил давом эттираемиз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтираемиз.

Барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам камровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштираемиз.

Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечириши ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш.

Бешинчидан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Шу билан бирга, муаммолари ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга ошираемиз.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг қўламли вазифаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин **ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни энгиб ўтишга қодир**. Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қонунимизни шотилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламиз.

Ишончим комил, **Янги Конституция-миз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади**.
Хурматли тадбир иштирокчилари!

Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Куролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз.

Мана шу қутлуғ кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва ҳушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан қутлаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!
Бугун биз ўз олдимизга улугвор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртдошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошин!
Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДОИМО ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИДА ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

<< 1

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, кексаларнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш эътиборда. Ёшлар ва хотин-қизларнинг ўқиши, касб эгаллаши, қобилиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратилмоқда. Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта Олимпия чемпиони бўлгани бутун халқимизни қувонтирди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам ошиб бормоқда. Хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда улкан иқтисодий-ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам қутлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз миллий тикланиш давридан миллий юксалиш даврига ўтмоқда. 2026 йилгача бўлган Тараққиёт стратегияси амалга оширилмоқда.

Президентимиз табрик сўзида давлатимизнинг тавсифини бундай изоҳлади:

«Янги Ўзбекистон ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган, одамлар ўз муаммолари ҳақида очик гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган, ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган, тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир».

Юртимизда бўлаётган ишларга назар ташланса, ҳақиқатда буларнинг ижобатини кўриш мумкин. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўз нутқида бундан кейинги бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

Биринчиси – таълим соҳасида энг қулай шароитлар яратиш. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади, мактаблар қуриш, устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилади.

Иккинчиси – суд тизимининг мустақиллигини мустаҳкамлаш. Судьялар ишига ҳар қандай арала-

шув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади.

Учинчиси – тадбиркорликни ривожлантириш. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади. Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтирилади.

Тўртинчиси – соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилади. Барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам камровини ошириб, одамларга янада яқинлаштирилади.

Бешинчиси – ичимлик суви таъминотини яхшилаш. Бунинг учун соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади. Муаммолари ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурлар амалга оширилади.

Мард ва меҳнатсевар халқимиз кўмағида бу вазифалар самарали бажарилиши, янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиши таъкидланди.

– Бугун биз ўз олдимизга улугвор ва юксак мақсадларни

қўймоқдамиз, – деди Президент. – Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Давлатимиз раҳбари ислохотларни қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатаётган халқимизга чуқур хурматини изҳор этиб, эзгу тилаклар билдирди.

– Сиз, азиз юртдошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман. Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошин! Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин! Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин, – дея сўзини якунлади Президентимиз.

Байрам шодиёнаси катта концерт дастури билан якунланди. Энг улуг, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги тантаналари барча ҳудудларда давом этмоқда.

ЎЗА

ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

<< 1

Шулар ҳақда сўзлар экан, Президентимиз Куръони каримдаги оятни ёдга олди. «Оли Имрон» сурасининг 169-оятда: «Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни ўлик, деб ҳисобламанг, улар тирикдир, Парвардигорлари ҳузурда ризқланишмоқда», дея марҳамат қилинган.

Халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини фидо қилган шаҳид аждодаларимизнинг хотираси ҳам ҳамиша барҳаётдир.

Давлатимиз раҳбари ҳали бу тарих охиригача ўрганилмагани, қатағон қурбонларини аниқлаш ва хотирасини тиклаш бўйича изланишларни давом эттириш кераклигини таъкидлади.

– Бугун дунёда бир парча қоғоз бўлсаям, қанча маблағ кетсаям, Ўзбек миллатига дахлдор ҳужжатларни топинглар, деб топширик бергандим, – деди Президент. – Охириги йилларда яна қанча қатағон қурбонлари аниқланди. Адолат нуқтаи назаридан қаҳрамон боболаримизнинг номларини тиклаемиз. Ўтган бир йил ичида Ўзбекистон Олий суди томонидан 235 нафар ана шундай ватандошимиз оқланди. Жадид боболаримиз номида музейлар, мактаблар ташкил қилинган. Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактаби қуриб, ҳайкалини ўрнатдик. Нима учун? Одамлар ўтганда кўриши, «мен кимларнинг авлодиман» деб ўйлаши, асарларини билиши керак. Ёки Чўлпонни тиклаш қандай қийин бўлди? Бугун биз пастга тушинглар, халқинг ичига боринглар, деяпмиз, халқдан куч олаемиз. Чўлпон ҳам шундай деган. Бундай хайрли ишларни тўхтатмаслик керак. Янги китоблар, фильмлар чиқариш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу йўлда изланаётган заҳматкаш олимларга, зиёлиларга миннатдорлик билдирди. Жадидларнинг ҳаёти ва асарларини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга етказиш, мактаб дарсларида бу мавзуга кенг ўрин бериш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий меросини ўргатиш бўйича кафедра ташкил этиш таъаббуси илгари сурилди.

Маълумки, мустабид тузум фақат жадидларни йўқ қилиш билан чекланиб қолмаган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб ватандошларимиз турли бўҳтонлар билан қамоққа олинган, хўрланган.

ЎЗА



Юксак мукофотлар муборак!

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида кўплаб юртдошларимиз ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Шулар қаторида 2022 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Президент фармонларида мавофиқ мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини мустақамлаш, барча соҳа ва тармоқларда ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-этибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун кўплаб юртдошларимиз эътироф этилди.

Улар сафида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида меҳнат қилаётган ходимлар ҳам бор:

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Исаев Маҳмуджон Нигматович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир.

Файзуллаев Яркун Закириллаевич – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Халқаро ишлар бўлими мудир.

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Фозилов Хайдар Инамович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги капитал қурилиш бошқармаси бошлиги.
Ҳакимова Матлуба Ҳакимовна – Зафаробод тумани агро-санот мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси, Жиззах вилояти.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН
Муминов Владимир Мурзенович – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт бўлими мураббий.

Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида мазкур мукофот соҳибларини табриклаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътибор алоҳида қайд этилиб, мазкур эътироф ҳам унинг ёрқин намоёни экани таъкидланди.
Давлатимиз юксак мукофоти билан тақдирланганлар ўзларининг самимий дил изҳорларини баён этишди.
Ватанга хизмат – олий саодат. Фурсатдан фойдаланиб, касаба уюшмаларининг саодатманд фидойиларини юксак мукофотлар билан самимий муборакбод этамиз!

Сурхондарё вилояти

Кўнгилларни чароғон этиб...

Халқимизнинг энг улуг ва энг азиз байрами – Мустақиллигимизнинг 31 йиллик тантаналари Сурхондарё вилоятида ҳам муносиб нишонланмоқда. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ҳам бир қатор тадбирлар уюштирмоқда.

Хусусан, оилавий болалар уйлари, вилоят кўзи ожизлар мактаб-интернати, «Фарҳод» мурувват уйи ҳамда ноғиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернет-уйларига озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқув қуроллари, гигиеник воситалар тақдим этилди.

– Аъзоларимиз ўзлари билан бир сафда меҳнат қилаётган боқувчисини йўқотган сафдошлари, кам таъминланган оилалар ва ноғирон ўқитувчилар ҳолидан хабар олишди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қумқўрғон тумани кенгаши раиси Норҳўжа Абдуллаев. – 21-, 25-, 49-умумтаълим мактаблари жамоалари биргаликда узоқ йиллар ўқи-

тувчилик қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳайит бобо Мусаевнинг хонадониди бўлиб, совға-саломлар тақдим этишди.

Кези келганда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳам байрамга кўтаринки кайфият билан тайёргарлик кўрганни таъкидлашни истардик. Улар ноғиронлиги бор ҳамкасблари, кекса ва марҳум устозлари хонадонларида бўлишиб, кўнгилларга қувонч улашишди. Шунингдек, соғлиқни мустақамлаш зарурати бўлганларга «Хўжайпока», «Термиз марвариди» сихат-гоҳларига йўланмалар берилди. Улуғ айём ва янги ўқув йилига тухфа сифатида

тизимдаги Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали ҳамда Шўрчи, Денов ҳамда Шеробод тиббиёт коллежларида таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари, ноғиронлиги бор ҳамда ота-онасидан эрта айрилган талабалар билан бир қаторда моҳир педагогларга ҳам байрам совғалари топширилди.

– Эзгу ишларни амалга оширишда барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов.

Ҳа, юрт тўйида саховат учун қўлини очганлар асло кам бўлмайди. Уларнинг бир оғиз ширин сўзи қанчадан-қанча кўнгилларни чароғон этади.

Рустам ДАВЛАТОВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Этибор



Меҳр йўқлови

Ўқув-семинар Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси раислари ва меҳнат муҳофазаси мутахассислари учун Тошкент вилоятида жойлашган «LivingStone» оромгоҳида ўқув-семинар ташкил этди.

Унда касаба уюшма қўмиталари ишини такомиллаштириш, иш юритиш, аъзолик афзалликларини асослаш, тармоқ касаба уюшмаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини назорат қилиш ҳамда меҳнат муҳофазаси ишини яшиллашда касаба уюшма ташкилотининг ўрнига оид маърузалар тингланди.

Семинар доирасида иштирокчилар ўртасида ишқулнинг 31 йиллигига бағишлаб «Саломатлик-22» спорт мусобақаси ташкил этилди. Спортнинг шашка, стол тенниси, арқон тортиш каби бир қатор турлари бўйича ўтган беллашувларнинг голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Амалий семинар савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Шоира ШАМШИЕВА,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси Сергели тумани вакили

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоалари Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жомбой тумани кенгаши раиси Зулфия Отамуродовага онаси **Сабоҳат ОТАМУРОДОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Спартакиада

мунали йўлга қўйилганидан далолат берди.

Футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, дартс, сузиш ҳамда арқон тортиш бўйича Бундан мен ҳам, қизим ҳам хурсандмиз, – дейди Наимахон Сайдалиева.

– Касаба уюшмалари қизимга ўқув қуроллари берилди. Бундан мен ҳам, қизим ҳам хурсандмиз, – дейди Наимахон Сайдалиева.

– Касаба уюшмалари қизимга ўқув қуроллари жамланмаси топширди. Бундай эътибордан бошим кўкка етди. Айниқса, фарзандларимнинг қувончи чексиз, – дейди Бувайда тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходимаси Муножатхон Алимова.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Мўқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Ёзги соғломлаштириш



Мавсум мароқли ўтди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши жорий йил ёзги мавсумда 15400 нафар боланинг дам олишини режалаштирган, улардан 5400 нафари касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан шаҳардан ташқари оромгоҳларда, яна 10 минг нафари эса кундузги дам олиш масканларида мароқли ҳордиқ чиқаришлари белгиланган эди.

Мавсум бошланиши билан вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда жойлардаги масканларда 67 та соғломлаштириш майдончаси ташкил этилиб, болалар қабулига старт берилди. Жорий йилнинг 5 июнидан эса вилоятда мавжуд 7 та шаҳардан ташқари оромгоҳлар ўз фаолиятини расман бошлади.

Биринчи навбатда 1142 нафар, иккинчи навбатда 1425 нафар, учинчи навбатда эса 1420 нафар ишчи-ходимнинг фарзандлари соғломлаштирилди.

Қолган икки мавсумда ҳам режадагидан ортиқ бола ёзни кўнгилдагидек ўтказишди. Шу тариқа 5099 нафар болажон шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларда соғломлаштирилишига эришилди. Бугина эмас, Косонсой туманидаги «Соҳил» оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасидан келган 120 нафар бола ҳам мароқли дам олиб, оиласи бағрига кўтаринки руҳда қайтишди. Шунингдек, мавсум давомида кам таъминланган оилалар фарзандларидан 50 нафари, оилавий меҳрибонлик уйининг фарзандларидан 23 нафари бепул соғломлаштирилди.

– Энг муҳим жиҳати оромгоҳлар сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир Алихон Акрамов. – Барча дам олиш масканларида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли маданий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, кўча кутубхоналар ташкил этилиб, болалар учун 7 мингдан ортиқ бадиий адабиёт етказиб берилди.

Ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этганлар оромгоҳ маъмуриятининг фахрий ёрлик ва касаба уюшма ташкилотларининг эсдалик совғалари билан тақдирланмишди.

Орзугўл РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда тасарруфдаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган, кам таъминланган ва эҳтиёжман ҳодимларнинг 90 нафар фарзандларига мактаб сумкаси ва ўқув қуроллари тухфа этилди.

Жиззах вилояти

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан Металлургия ва машина-созлик sanoati тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Жиззах вилоятининг сўлим ғўшаларидан бўлган «Energy» оромгоҳида III тармоқ спартакиадасини ўтказди.

ХАВАСКОРЛАР «ENERGY»ДА БЕЛЛАШДИ



Спартакиада уч бошқича – дастлаб худудлардаги меҳнат жамоаларининг ходимлари ўртасида узаро, иккинчи бошқича эса корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида ташкил этилди. Худудларда голиб бўлган жамоалар республика бошқичага етиб келишди.

– Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш асосий мақсадимиз, – дейди Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов. – Барча бошқичаларда ташкилот ва корхоналар фаол қатнашгани соғлом турмуш тарзи тарғиботи на-

ртини қувонтириб юборди.

– Соғлиғимни тиклаш, уй-жойимни таъмирлаш, умуман, неки эҳтиёжим бўлса, давлатимиз қўмагини ҳис қиламан, – дейди Фотима Холмирзаева. – Илоҳим, юртимиз гуллаб-яшнайсин.

Сирдарё туманида истиқомат қилувчи Иван Шведенко 17 ёшида ўз ихтиёри билан урушга кетиб, тинчлик деган неъматнинг нақадар тотли эканини юрак-юракдан ҳис қилганлардан ва буни яқинларига сўзлашдан чарчамайди.

– 96 ёшга кирдим, ёшлик давримда олган хулосамда ҳамон қатъийман, – дейди Иван Шведенко. – Фақатгина эмин-эркин ҳаёт, тинчликки инсонларни бахтли қила олади. Биз бу ардоқни озод мамлакатда юракдан ҳис қилиб яшаёғимиз.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов Сирдарё туманидаги «Мурувват» аёллар уйида яшовчи хотин-қизлар ҳолидан хабар олди. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва тозалик воситалари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»

Тухфа

«Барчамиз хурсандмиз»

Бундай совғалардан бири – Касаба уюшмалари мунтазам равишда бизга ёрдам қўлини чўзиб келади. Маня янги



ўқув йили учун қизим Мафтунанага ўқув қуроллари берилди. Бундан мен ҳам, қизим ҳам хурсандмиз, – дейди Наимахон Сайдалиева.

– Касаба уюшмалари қизимга ўқув қуроллари жамланмаси топширди. Бундай эътибордан бошим кўкка етди. Айниқса, фарзандларимнинг қувончи чексиз, – дейди Бувайда тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходимаси Муножатхон Алимова.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ



*Барча юртдошларимизни энг улуғ,
энг азиз айём – Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 31 йиллиги билан
салимий муборакбод этади.*






**Файрат-шижоатли, меҳнатсевар
халқимизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, хонадонларига
файз-у барака тилаймиз.**

**Мустақкам соғлиқ, кўнгил хотиржамлиги ва
битмас-туганмас бахт барчамизга ёр бўлсин.
Кундан-кунга юксалиб, ривожланиб
бораётган юртимизга кўз тегмасин.
Тинчлик ва фаровонлигимиз абадий бўлсин!**

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2610-5009 2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Мабуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий
мақолалар, хабарларнинг
ўлиқ матни
билан танишингиз
мумкин.

31 yil

«САЁХАТ-САРИ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Жонажон Ўзбекистонимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН БАРЧАНИ ҚУТЛАЙДИ!*

*Дунёга танитган, халқимизга эркинлик
олиб келган, эзгу қадрият ва ўлмас
анъаналаримизни тиклашга замин
яратиб берган энг улуғ, энг азиз байрамда
халқимизга ва юртимиз меҳмонларига юксак
кўтаринки руҳ, оилавий бахт, ишларида
муваффақиятлар ҳаммиша ҳамроҳ бўлсин!
Мустақиллигимизга ва меҳмондўст
халқимизга кўз тегмасин!
Юртимиз ҳаммиша гуллаб-яшнасин!*




ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни,
хусусан, кўп миң сонли касаба уюшма аъзоларини
Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан
салимий муборакбод этади.*

*Ҳазрат Алишер Навоийнинг:
Даврон элининг жисмида жон бўлми,
Хўм жонларига моли дармон бўлми, –
деган сўзларига монанд равишда фаолият
юритаётган касаба уюшмалари бугун ҳақиқий
маънода халқ ташиқлотига айланди.*

**Мана шундай шуқули кунларда
барча-барчанинг ишларида омад,
муваффақиятлар тилаймиз.
Гўзал ва бетакрор
юртимиз ҳаммиша тинч ва
фаровон, меҳнаткаш ва олижаноб,
бағрикенг халқимиз доимо
соғ-омон бўлсин!**

31

**Байрам барчамизга
муборак бўлсин!**

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
маълумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтан назаридан
фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусахҳилар:
Д. Худойберганова,
Д. Равшанова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **03:40**
Топширилди – **04:20**

Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
Буюртма **Г-906**
31536 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба,
пайшанба ва шанба
кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «protoka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130